

Камбағаллик феномени, унинг шакллари ва жамиятда намоён бўлиши.

Мелибоев Азизжон Низомиддинович, ҚДПИ ўқитувчи

Аннотация: Мақолада камбағаллик тушунчаси келиб чиқиш сабаблари уни бартараф этиш чоралари бугунги куннинг долзарб вазифаси эканлиги акс этган.

Калит сўз: аҳоли турмуш кечириши, кам таъминланган оилалар, аҳоли даромади, тенгсизлиги, камбағаллик, камбағаллик даражалари, қашшоқлик, қашшоқлик сабаблари

Камбағаллик маълум бир индивид ёки ижтимоий гуруҳнинг иқтисодий аҳволини характерловчи тушунча бўлиб, улар насл қолдириш, меҳнат қилиш қобилиятини сақлаб туриш ва ҳаёт учун зарур бўлган минимал эҳтиёжларни қондира олмайди. Камбағаллик нисбий ва ноаниқ тушунча бўлиб, маълум бир жамиятдаги турмуш даражасининг умумий ҳолатига боғлиқ.

Камбағалликнинг сабаблари ва жамиятдаги ўрнини ўрганиш XVIII асрдан XX асрнинг биринчи ярмигача бўлган давр ажратилган, классик иқтисодчи олимлар А.Смит, Д.Рикардо, Т.Малтус, Г.Спенсер, Ж.Прудон, Э.Реклус ва б., шунингдек, замонавий иқтисодчи олимлар Rowntri, F.Q.Xayek, P.Taunsend ва бошқалар томонидан ўрганилган[1,579-594]. Классик иқтисодчи олим А.Смитнинг асарларида камбағаллик ва ижтимоий стандартлар ўртасидаги боғлиқлик нисбий моҳияти очиб берилган.

XIX асрда камбағаллик чегарасини оила бюджети асосида ҳисоблаш орқали мутлоқ камбағаллик мезонини киритиш, камбағалликни аниқлаш мезонларини даромад даражаси билан боғлаш ҳамда шахснинг инг меҳнат қобилияти ва соғлигининг муайян даражасини сақлаб қолиш билан боғлиқ эҳтиёжларини қондирishни таклиф қилган [2]

Ушбу масалага Ўзбекистонда илк бор давлат раҳбари томонидан жиддий эътибор қаратилганлиги ҳамда камбағалликка оид оид маълумотлар ҳам биринчи марта очиқланганлиги қўпчилик мутахассислар томонидан эътироф этилди. Шундай экан, дастлаб «камбағаллик» тушунчасига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Ўзбек тилининг изоҳли лугатида «камбағал» сўзи кам, етишмайдиган, ҳаётий тирикчиликка зарур нарсаларнинг етишмаслик ҳолати, йўқчилик ёки муҳтожлиқда яшамоқ маънолари қайд этилган[3]. Умуман олганда ўзбек тили бой тил эканлигини эътироф этиб, камбағаллик сўзи, бир қанча сўзлар билан ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан қашшоқ, фақир, ғариб, ночор, муҳтож, бечора, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож каби сўзлар билан ҳам

ифодаланади. Юқоридаги сўзлар бир биридан фарқланиб, ҳар бирини ўзининг кўллаш ўринлари бор албатта.

«Камбағаллик» тушунчасига ягона таъриф мавжуд эмас. Баъзилар камбағаллик деганда инсоннинг бирламчи эҳтиёжларини (озик-овқат, кийимкечак, уй-жой, таълим ва соғлиқни-сақлаш) қондиришга имкониятнинг мавжуд эмаслигини тушунса, бошқалар – танлов эркинлигининг етарлича эмаслиги ёки кунига 1,90 доллардан кам микдорга кун кечиришни, учинчи томон эса – инсоннинг жамият ижтимоий-иктисодий ҳаётидаги иштирокига путур етказувчи ижтимоий, таълим ва соғлиқни-сақлаш соҳасидаги тўсиқларнинг доимий доирасини тушунишади. Умумий қараганда, камбағалликни баҳолаш бир неча аниқ белгиланган кўникма ва усулларни талаб қиласди.

Жаҳон банки томонидан камбағаллик тушунчасига қўйидагича таъриф келтирилган: “камбағаллик” – бу шахс ёки ижтимоий гуруҳнинг иқтисодий аҳволига хос хусусият бўлиб, улар ҳаёт, меҳнат қобилиятини сақлаб қолиш ва ўзидан авлод қолдириш учун зарур бўладиган минимал эҳтиёжларнинг маълум микдорини қондира олмайди [4].

Яна шунингдек, Жаҳон банки “Камбағаллик – қўп ўлчамга эга бўлиб, инсонларни аниқ даромадларга эга бўлмаслигидир. Бу кам даромадга эга инсонларни яшаш учун зарур бўлган асосий товар ва хизматларни етарли даражада сотиб ололмаслиги, шунингдек, соғлиқни сақлаш ва таълимнинг ёмонлиги, тоза сув ва санитария шароитининг ёмонлашиб бориши, хавфсизликни етарли эмаслигини билдиради” [5]. Бу таърифнинг муҳим жиҳати шундаки, камбағалликнинг сабаби сифатида етарлича бўлмаган даромадларга эътибор берилади. Ахоли даромадларини камлиги ёки умуман йўқлиги тирикчилик воситаларини сотиб ололмаслигини келтириб чиқаради. Етарлича овқатланмаслик эса касаллик ҳамда камбағалликка йўл очади. Бугунги кунда ҳар икки ҳалқаро ташкилот ўз олдига турли дунёвий муаммоларни хусусан, жаҳонда камбағалликни қисқартиришга алоҳида эътибор бермоқда.

Умуман олганда “камбағаллик” нисбий, ноаниқ ва қўп маъноли тушунча бўлиб, маълум бир жамиятдаги умумий турмуш даражасига боғлиқ бўлади [6]. Қашшоқликнинг икки томони бор: иқтисодий (шахсни зарур озуқа ва воситалар билан таъминланганлик даражаси билан боғлиқ) ва ижтимоий (шахсни ҳаёт тарзи ва ахлоқ меъёрлари, маданияти билан боғлиқ).

Бевосита камбағаллик ва қашшоқлик тушунчаларига келадиган бўлсак, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирда жаҳон бўйлаб камбағаллик ёки қашшоқлик тушунчаларининг умумқабул қилинган ҳамда ягона келишилган

таърифи ишлаб чиқилмаган. Ҳар бир мамлакат ўзи учун белгиланган камбағаллик мезонидан келиб чиқиб тавсифлайди.

БМТ таърифига кўра, қашшоқлик – инсоннинг ҳаёт кечириши учун зарур бўлган даромад ва ресурслар етишмаслиги, бундан ташқари, очлик ва тўйиб овқатланмаслик, соғлиқни сақлаш, таълим ёки бошқа асосий хизматлардан фойдаланишда чекловларнинг мавжудлиги, турар жойнинг йўқлиги, хавфли табиий ва техноген муҳитда ҳамда ижтимоий тенгсизлик шароитида яшашига нисбатан айтилади [7].

Қашшоқлик турли сабабларга кўра вужудга келади. Ушбу сабабларни куйидагича гурухларга бўлиш мумкин:

Иқтисодий. Ишсизлик, иқтисодий нотенглик, шу жумладан, иш ҳақи ва меҳнат унумдорлигининг пастлиги, саноатнинг рақобатбардош эмаслиги.

Ижтимоий-тиббий. Кексалик, ногиронлик, касалланишнинг юқори даражаси. Демографик. Тўлиқсиз оила, меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг юқори сони, аҳоли сонининг иқтисодий ресурсларга номувофиқ равишда ошиб кетиши. Таълим ва касбий квалификацион. Таълимнинг паст даражаси, етарли даражада профессионал касбий тайёргарликнинг мавжуд эмаслиги.

Сиёсий. Ҳарбий низолар, мажбурий миграция. Минтақавий-географик. Ҳудудларнинг нотекис ривожланиши. Диний-фалсафий ва психологик. Ҳаёт тарзи сифатида аскетизм, камбағалликнинг тарғиб қилиниши [8].

Камбағаллик эса инсоннинг ҳаёти давомида танлов ва имкониятларга эга бўлмаслиги, жамиятда тўлақонли иштирок этиш учун тўсиқларнинг мавжудлиги, бундан ташқари, оиласини боқиши ва кийинтириши, таълим олиши ёки касалхонада даволаниши, бирор соҳада фаолият юритиши ёки даромад олишга имкон берадиган меҳнат билан таъминлаш имкониятлари етишмаслиги ҳамда кредит олиш имкониятининг чекланганлигига намоён бўлади. Шунингдек, камбағаллик — бу инсонлар, уй хўжаликлари ва жамоаларнинг ижтимоий жиҳатдан чегараланганилиги, хавф-хатарлар олдида чорасизлиги ҳамда ночорлиги саналади [9].

Фойдаланилган адабиётлар.

1 Узаков К.П. Камбағалликни қисқартиришда аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари. Academic Research in Educational Sciences. Volume 2 | ISSUE 10 | 2021. – Б. 579-594.

2. Всероссийский банк учебных материалов РЕФ.РФ
https://ru.wikipedia.org/wiki/Бедность#cite_note-РЕФ.РФ-2

3. Мадвалиев А. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. – Тошкент, 2006.

4. Гараева Д.Ф. "Бедность как фактор снижения качества жизни населения". Казанский (Приволжский) федеральный университет: "Экономические науки", 2(87). 2012.
5. <https://ru.qwe.wiki/wiki/Poverty>
6. <https://ru.wikipedia.org/wiki/Бедность>
7. БМТнинг «Ижтимоий ҳимоя борасида юқори даражадаги Бутунжаҳон саммити»дан.
8. <https://bugun.uz/2021/10/17/xalqaro-kambagalikka-barham-berish-kuni-qashshoqlik-pandemiya-va-ozbekiston/>
9. БМТ Европа Иқтисодий комиссиясининг «Камбағалликни ўлчаш бўйича қўлланма»сидан, 2017 йил Нью-Йорк, Женева.
10. Musaev, Odil, et al. "Socio-philosophical interpretations of such concepts as "ethnos" and "nation" as social unit."." International Journal of Advanced Science and Technology 29.5 (2020): 1936-1944.
11. ЮСУПОВ, Ахроржон. "CULTURAL, SPIRITUAL AND IDEOLOGICAL FACTORS IN INCREASING THE SOCIAL ACTIVITY OF CITIZENS IN SOCIETY." O'zbekiston milliy universiteti xabarlari 1.5 (2022).
12. Юсупов, Ахрор. "СУЩНОСТЬ КОНЦЕПЦИИ ПОЛИТИЧЕСКОЙ АКТИВНОСТИ ГРАЖДАН." Общественные науки в современном мире: политология, социология, философия, история. 2020.
13. Юсупов, А. К. "Роль гражданской активности в демократизации общества." Вопросы политологии 10.9 (2020): 2709-2716.
14. Yusupov, Ahror Kurbanovich. "THE ROLE OF NATIONAL IDENTITY IN INCREASING THE SOCIO-POLITICAL ACTIVITY OF THE YOUTH OF UZBEKISTAN." E-Conference Globe. 2021.
15. Юсупов, Ахроржон, and Баходирхан Кодирхан угли Нуманов. "КИПЧАКИ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ И ИХ УЧАСТИЕ В ЭТНИЧЕСКОМ ПРОЦЕССА." Ученый XXI века 6-2 (2016).
16. Kurbanovich, Yusupov Akhrorjon. "The Role of National Identity in Increasing the Socio-political Activity of the Youth of Uzbekistan." JournalNX: 177-179.
17. Alimovna, Usmonova Sofiya, and Juraeva Ramziya Abdurahimovna. "THE PLACE OF ETHNOTOPONYMS IN TOPOONYMY." INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429 11.09 (2022): 300-303.
18. Abdurakhimovna, Joraeva Ramziya. "Lexical-Semantic Features Of Muqimi's Works." Journal of Positive School Psychology (2022): 138-144.